В данной статье приводятся современные подходы к лечению бруцеллеза, основанные на научно-обоснованных методах доказательной медицины. Использование антибиотиков минимум в течении 6 недель, согласно стандартам диагностики и лечения значительно повышают эффективность лечения, что приводит к снижению риска развития осложнений, рецидивов заболевания и перехода в хроническую форму. Цель данного обзора – донесение до врача практического здравоохранения современных аспектов лечения бруцеллезной инфекции с учетом последних мировых данных.

MODERN ASPECTS OF BRUCELLOSIS TREATMENT**N.A. Yarmuhamedova¹, D.H. Iskandarov², M.B. Sharapov³**Samarkand State medical institute¹, Infection disease hospital of Jizzakh region², Tashkent office of Center for Disease Control and Prevention, USA (CDC)³

This article presents modern methods of treatment of brucellosis, based on evidence-based evidence-based medicine. The use of antibiotics for at least 6 weeks, according to the standards of diagnosis and treatment significantly increases the effectiveness of treatment, and effective treatment in turn reduces the risk of chronicity, complications, and relapses of the disease. The purpose of this review is to report to the doctor on practical health care of modern aspects of the treatment of brucellosis infection, taking into account the latest data from world scientists.

Бруцеллалар фагоцитловчи ва фагоцитламайдиган хужайралар ичида кўпаяди. Иммунизим уларни илғамайди. Бруцеллалар организмнинг турли тизим ва аъзоларини зарарлаши мумкин [8]. Улар нисбатан паст вирулентликка, токсингенликка ва пирогенликка эгаллиги ялғиланиш цитокинларининг (TNF, INF) суст ишлаб чиқарилишига сабаб бўлади (10). Бруцеллаларнинг хужайраларда узоқ муддат қолиши касалликнинг сурункали шакли ривожланишига, плацентар трофобластларнинг зарарланиши эса бола ташлашга сабаб бўлади [20]. Бруцеллаларда экзотоксин, экзопроотеаза ва цитоллизинлар бўлмайди. Бруцеллалар билан зарарланган хужайралар цитокинлар, хемокинлар ва протеазалар ишлаб чиқаради, улар суяк ва тоғайлар структураси бузилишига, асаб тизими, томирлар эндотелийсининг зарарланишига олиб келади. Натижада узоқ давом этувчи ялғиланиш вужудга келади [8].

Хужайралардан бруцеллаларни йўқолиши учун антибиотикотерапия пухталики билан ўтказилиши зарур. Беморни даволашда касаллик симптом ва белгиларини тезроқ йўқотиш, асоратлар ҳамда касаллик қайталанишининг олдини олиш ва сурункали шаклга ўтишига йўл қўймасликка интилиш керак. PappasG (2005)га кўра макрофагларга кира оладиган,

хужайра ичи кислотали муҳитида фаоллигини сақлайдиган бир неча антибиотикларнинг комбинациясини қўллаш шарт, чунки битта антибиотикни ишлатиш касалликнинг қайталанishiга ва сурункали шаклга ўтишига олиб келиши мумкин. Бруцеллаларни экиб ўстиришга узоқ муддат кераклиги қўзғатувчининг антибиотикларга сезгирлигини аниқлаш учун асосий тўсиқдир. Шунинг учун бруцеллэзга қарши антибиотикларни қўллашда ҳалқаро тан олинган тавсияларга амал қилиш керак [5].

Бруцеллэзга қарши антибиотикотерапия бизнинг мамлакатда ЎзР ССВнинг 1996 йилдаги 650-буйруғига асосан қуйидаги схемада ўтказилган: Стрептомицин (қунига 0,25 × 2 маҳал м/о) + Левомецитин (қунига 0,5 × 4 маҳал ичишга) ёки тетрацилин, даво курси 10 кун. Кейин 4-5 кун танаффус қилиниб, даво курси яна 10 кун қайтарилган. Бунда фақат стрептомицин канамицинга алмаштирилган ҳолда муолажа давом эттирилади. Бироқ собик иттифоқ ССВ томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ҳамда МДХнинг қатор мамлакатларида охириги йилларгача қўлланиб келинган бу схема билан ўтказилган муолажанинг самарадорлиги кам бўлиб, касалликдан тўлиқ соғайишни таъминламаган. Бундай схемадан сўнг касаллик қайталаниши кузатилган ва айрим ҳолларда асоратлар келиб чиққан (30-38% ҳолатда) ҳамда касаллик 50-70% ҳолда сурункали шаклга ўтган [10].

Бруцеллэзнинг давоси кўп йиллар давомида адабиётда кенг мунозараларга сабаб бўлиб келган [17,18]. Асосий муаммо касаллик рецидивларини камайтириш, касалликнинг сурункали шаклга ўтишининг олдини олиш ва касаллик белгиларини йўқотишда бўлган. Шу муаммони баратарф этиш мақсадида турли антибиотиклар якка ва ҳамкорликда ишлатиб кўрилган [26].

1986 йилда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) журналларда нашр этилган қатор рандомизацияланган клиник тадқиқотлар натижаларини умумлаштириб, ўткир бруцеллэзни (катталар ва 8 ёшдан катта болаларда) даволашда қуйидаги жуда муҳим тавсияни таклиф этди: доксициклин (қунига 200 мг) + рифампицин (қунига 600-900 мг). Ҳар иккала антибиотик 6 ҳафта давомида танаффуссиз оғиз орқали қабул қилиниши керак.

Альтернатив комбинация: доксициклин 200 мг + стрептомицин қунига 1 гр м/о 2-3 ҳафта. Айрим ҳолларда стрептомицин ўрнига гентамицин ишлатилиши мумкин.

Ўшандан буён жаҳонда бруцеллэзнинг этиотроп давоси бўйича катта тажриба йиғилди. Олимлар мазкур инфекцияни даволаш самарадорлигини оширишда илмий асосланган тавсиялар берган мета-таҳлиллар, тизимли шарҳлар ва рандомизацияланган клиник тадқиқотлар натижаларини нашр этдилар.

Масалан, Garcíadel Pozo (2012) бруцеллэзни даволаш бўйича тўққизта рандомизацияланган клиник тадқиқотларни мета-таҳлил ва тизимли умумлаштирувдан ўтказдилар[9]. Улар икки турдаги антибиотикларнинг комбинациясининг самараси текширишган: 1) Доксициклин + рифампицин(481 беморда); 2)Доксициклин + Стрептомицин (449 беморда).

Бу комбинацияларининг самарадорлиги, бруцеллэз рецидиви ва даво самарасизлиги бўйича баҳоланди.

Иккинчи комбинацияда бруцеллэз рецидиви ва даво самарасизлиги 6,8%ни, биринчисидан – 18,3% ($p < 0,00001$)ни ташкил этди. 72 илмий манба таҳлиliga асосланган мазкур ишда бруцеллэз касаллигини даволашда якка антибиотик ёки икки антибиотикни фақат 3-4 ҳафта давомида қўллаш муолажа самарадорлигининг пасайишига олиб келиши кўрсатилган. Шунинг учун даво курси камида 6 ҳафта бўлиши керак.

Доксициклин (6 ҳафта) + Стрептомицин (2 ёки 3 ҳафта) муолажа курси устунлиги Кохрайн ташкилоти тайёрлаган тизимли умумлаштиришда кўрсатилган[12]. Ушбу таҳлилга бруцеллэз билан оғриган 1040 беморда ўтказилган тадқиқотлар кирган. 2-3 ҳафта мобайнида стрептомициннинг қунига қилинадиган инъекциялари амалиётда қийинчилик туғдириши ва ичишга бериладиган доксициклин + рифампицин схемасига нисбатан қимматга тушиши кўрсатиб ўтилган. Доксициклин + рифампицин комбинациясини шифокорлар ҳам, беморлар ҳам маъқул кўришади.

Бруцеллэз билан оғриган 219 нафар беморда қўлланилган антибиотикларнинг 3 турдаги комбинацияси (1. Доксициклин + Стрептомицин; 2. Офлоксацин + Рифампицин 3. Доксициклин + Рифампицин) рандомизирланган клиник тадқиқоти (Hashemi SH, 2012) учала комбинациянинг ҳам юқори самарадорлигини кўрсатди. Биринчи ва иккинчи комбинацияда 93-95 % ҳолатда, учинчисида эса 84% ҳолатда клиник натижага эришилган. Муаллифлар бруцеллэзни даволашда аввал Доксициклин (кунига 100 мг × 2 маҳал 6 ҳафта) + Стрептомицин (кунига 1000 мг м/о 3 ҳафта) ҳамкорлигида бошлаш зарур деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, Офлоксацин (кунига 800 мг) - Рифампицин (кунига 15 мг/кг 6 ҳафта) ва Доксициклин (кунига 100 мг × 2 маҳал 6 ҳафта) – Рифампицин (кунига 15 мг/кг 6 ҳафта) ҳамкорликлари кейинги навбат дорилари сифатида қўлланилиши керак.

Meng F. (2018) PubMed, EmBase, Cochrane Library да келтирилган стрептомициннинг рифампицинга нисбатан самаралигини ўрганиш бўйича рандомизацияланган назоратли тадқиқотларни таҳлил қилишган [16]. Мета-таҳлилга 14 та ўтказилган тадқиқотдаги бруцеллэз билан оғриган 1383 нафар бемор киритилган. Доксициклин + Рифампицин комбинацияси Доксициклин + Стрептомицин схемасига нисбатан даво самараси пастроқ деб баҳоланган (RR: 2.36; 95% CI: 1.72±3.23; P<0.001) ва бу схемада касаллик рецидиви кўпроқ (RR: 2.74; 95% CI: 1.80±4.19; P<0.001) кузатилиши қайд этилган. Бу тадқиқотчилар Доксициклин + Стрептомицин комбинацияси бруцеллэз давосида кўпроқ самарадорликка эга эканлигини исботладилар. Ушбу схемада касалликнинг рецидиви ёки сурункали шаклга ўтиши паст кўрсаткичга (5-7%) эришилган [12].

Ўтган асрнинг 80-йилларида хиолин қаторига мансуб антибиотиклар (ципрофлоксацин, офлоксацин, левофлоксацин, норфлоксацин, гатофлоксацин ва бошқалар.) қўлланила бошланган. Улар ҳужайра ичида кўпаяувчи бактерияларга нисбатан фаол бўлиб, яхши фармакокинетикага эга, нефротоксиклиги паст бўлиб, касаллик рецидивини камайтирди. Бироқ ўтказилган лаборатор ва клиник тадқиқотлар, Кохрайн ташкилотининг тизимли умумлаштирувлари натижасида кўрсатмалар қайта кўриб чиқилди [7,12, 26] ва Доксициклин + Стрептомицин комбинацияси хиолинларга нисбатан самаралироқ эканлиги тасдиқланди.

Тадқиқотчилар бруцеллэзни даволаш самарадорлигини оширишга ҳаракат қилишмоқда. Majzoobi M.M. ва б.(2018) антибиотиклар ҳамкорлигини гидроксихлорохин 6,5мг/кг дозада (савдо белгиси- плаквенил; фармакологик таъсири- яллиғланишга қарши, иммунодепрессив, безгак ва протозооларга қарши ишлатилади) билан биргаликда қўллаш бўйича самарадорликнинг берк рандомизацияланган клиник синовини ўтказишди [15]. Гидроксихлорохин ҳужайра ичида бруцеллалар кўпайиши учун қулай бўлган кислотали муҳитни ишқорий муҳитга ўзгартиради ва бу билан антибиотиклар таъсирини кучайтиради. 177 нафар беморда бруцеллэз махсус серологик – Райт реакцияси $\geq 1:200$, 2-меркаптоэтанол тест $\geq 1:80$ ёки ижобий гемо/миелокультурада тасдиқланган. Беморлар икки гуруҳга ажратилган: биринчи гуруҳ стандарт схема (доксциклин+стрептомицин) бўйича, иккинчи гуруҳ доксициклин + стрептомицин + гидроксихлорохин схемаси билан даволанган. Иккинчи гуруҳ беморларда муолажа самарадорлиги юқорироқ бўлиб, касаллик белгилари тезроқ бартараф бўлган ва касаллик қайталаниши фоизи пасайганлиги аниқланган. Бироқ, бу тадқиқот кенг кўламдаги изланишларни талаб қилади, шунинг учун кенг амалиётда бу усулни қўллашга ҳали эрта.

Асоратланмаган бруцеллэз касаллигини даволаш бўйича химиотерапевтларнинг халқаро уюшмаси тавсияси келтирилган (1-жадвал). Мазкур ҳужжат 2006 йил ноябрда Грециянинг Янина шаҳрида ўтказилган консенсус йиғилишда қабул қилинган [5].

Бруцеллэз касаллигининг асоратланган шакллари даволаш.

Бруцеллэзда ўлимнинг асосий сабабларидан бири эндокардит. Лекин у кам учрайди. Юрак аортал клапанининг зарарланиши билан кечадиган эндокардит клапани алмаштирувчи жарроҳлик амалиётини талаб этади [20]. Менингит, энцефалит, менингоэнцефалит, мия абсцесси, нафас йўллариининг зарарланиши каби кам учрайдиган асоратлар ҳам бемор

1 жадвал.

Асоратланмаган бруцеллёзни даволаш бўйича химиотерапевтларнинг халқаро уюшмаси тавсиялари

Антибиотиклар ҳамкорлиги	Дозалар	Тавсиялар кучи	Изоҳ
DOX+STR	DOX: кунига 100мг 2м per os 6 ҳафта; STR:кунига 1г м/о 2-3 ҳаф	(AI) Исботланишнинг яхши даражаси	Даволашнинг “олтин стандарти”
DOX+RIF	DOX: юқорида кўрсатилганидек; RIF: кунига 600-900 мг 6 ҳаф, эрталаб бир маҳал	(AI) Яхши даража	Қабул қилиш қулайлиги
DOX+GENT	DOX: юқорида кўрсатилганидек; GENT:кунига 5мг/кг 1 маҳал м/о 7 кун	(BI) Исботланишнинг ўртача даражаси	Альтернатив ҳамкорлик сифатида кўрилади. GENT-кўрсатаётган самарасига кўра 14 кунгача
TMP-SMX қўшилувчи ҳамкорлик	TMP-SMX: кунига 800-1600мг 2 м 6 ҳаф	(CII) Исботланишнинг суст даражаси	DOXни ўз ичига олган уч антибиотикли ҳамкорликда тавсия қилинади
Quinolone-қўшилувчи ҳамкорлик	Офлоксацин: кунига 400 мг 2 м; ципрофлоксацин:кунига500 мг 2м 6 ҳаф	(CII) Исботланишнинг суст даражаси	Офлоксацин ёки ципрофлоксацин DOX билан бирга иккинчи ёки учинчи антибиотик сифатида


Илмий далиллар: А – ишонарли; I кучли.В- нисбатан ишонарли; С- етарли эмас D- далил йўқ. II –далиллар кучсиз; DOX - Доксициклин; STR - Стрептомицин; RIF Рифампицин; GENT- Гентамицин;TMP-SMX- Котримоксазол (бисептол).

хаётига жиддий хавф туғдиради. Бу каби жиддий асоратларда учта антибиотик схема бўйича 3 ойдан кам бўлмаган муддат давомида қўлланилиши тавсия этилади [1].

Parras G. ва б. (2005, 2006) доксициклин ва стрептомицин комбинациясига қўшимча равишда рифампицин ёки бисептол билан бирга асорат белгилари йўқолгунча – 3 ой ёки ундан кўпроқ муддат қўллашни тавсия қилишади. Ranjabar M. ва б. (2007) учта антибиотикли (доксициклин + рифампицин + амикацин) иккита антибиотикли (доксоциклин + рифампицин) комбинациядан устунлигини исботлашган.

Vrioni G. ва б. (2014) бруцеллёзда учта антибиотикни (доксициклин + стрептомицин + рифампицин) 6 ҳафта давомида қўллаш юқори самара беришини ПЦР ёрдамида кўрсатиб беришди [24]. Бунда даво курси тугагандан 14-20 ой ўтгач бруцеллалар ДНКсини текширишган. Уч антибиотикли муолажа олган беморларда икки антибиотикли схемага нисбатан ДНК статистик ишонарли аниқликда кам топилган.

ChoCh. (2018) ўз вақтида диагноз қўйилмаса ва даволанмаса бруцеллёз қандай оғир асоратларга олиб келишини бир бемор тарихи мисолида кўрсатиб бердилар; Бемор 62 ёшда. Айова (АҚШ) штатида яшайди [6]. Қуйидаги шикоятлар билан клиникага мурожат қилган – охирги 6 ой давомида бел соҳасида оғрик, баланд иситма, кучли терлаш, холсизлик, озиш. У Мексикага тез-тез бориб туради. У ерда хом сугдан тайёрланган маҳсулотларни истемол қилади. Туберкулёз билан контактда бўлмаган. Қонида лейкоцитлар $10\,600 / 1\text{ мм}^3$, ЭЧТ -65 мм/соат. Магнит резонанс томография- спондилит L1 - L5. Musculus psoas major нинг икки тарафлама турли катталиқдаги абсцесслари (1 расм).



Расм 1. Магнит резонанс томография спондилит L1 - L5. *Musculus psoas major* нинг икки тарафлама турли катталикидаги абсцесслари

Бемор қонидан ва абсцесс пунктатидан *B. melitensis* культураси ажратиб олинган. Абсцессга дренаж қўйилган, доксоцилин + рифампин комбинацияси билан 5 ой даволанган. Даво тугагач 3 ойдан сўнг яна магнит резонанс томография қилинган (В расмда). Абсцесслар йўқолган, лекин L1 ва L2 умуртқалар шикастланганлига ҳали ўтмаган. Интоксикация белгилари йўқ. Икки йилдан сўнг такрори кўрикда бемор батамом тузалганлиги аниқланган.

Умуртқа поғонасининг зарарланиш белгилари юзага чиққан ҳар қандай ҳолатда, касаллик оғирлик даражасидан қатъий назар, умуртқа поғонаси магнит-резонанс томографиядан ўтказилиши шарт. Агар бруцеллёз спондилити тасдиқланса, **антибиотикотерапия 3 ойдан кам бўлмаган муддат давом эттирилиши керак** [16, 17].

ЖССТ ҳужжатларида бруцеллёз асоратлари қаторига шунингдек эпидидимоорхит, спондилит, йирик бўғимлар артритлари ҳамда турли тизим ва аъзоларнинг зарарланишлари киритилган [25]. Мазкур зарарланишлар рус тилидаги адабиётларда бруцеллёз туфайли шаклланган метастазлар сифатида кўрилади.

Бруцеллёз касаллиги билан оғриган ҳомиладор аёлларни даволаш.

Барча антибиотиклар ҳомила организмга кира олиши ва унга салбий таъсир ўтказиши мумкин. Шунинг учун ҳомиладорларни даволашда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш зарур.

Антибактериал воситаларнинг ҳомилага кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсири туфайли ҳомиладорлик давридаги бруцеллёзни даволашда битта антибиотик ёрдамида даволаш синаб кўрилган. Масалан ўчоқли зарарланишлари йўқ аёлларни яқка рифампицин (бруцеллёзга қарши антибиотиклар ичида ҳомиладорлар учун зиёнсизроғи) билан туғруқча-ча даволаш мумкин. Лекин ҳомила соғлиғига етказилиши мумкин бўлган хавфни камайтиришга уриниш рецидивлар хавфини оширади. Агар туғруқдан кейин рецидив бўлса стандарт схемалар билан даволаш мумкин [5]. Котримаксозол билан ўтказилган монотерапия самараси мета-таҳлилда кўрсатилган [21]. Тетрациклин препаратини ҳомиладор аёлларда қўллаш жигарнинг ёғли некрози ва панкреатитга олиб келиши мумкинлиги туфайли қарши кўрсатмага эга. Фторхинолонлар, рифампицин ва бисептолнинг тератоген таъсири ҳақида маълумот йўқ. Стрептомицин ҳомилага токсик таъсир кўрсатади. Гентамицинда бундай ҳолат аниқланилмаган. Бруцеллёз билан оғриган ҳомиладор аёллардаги клиник синовлар тўғрисида маълумотлар йўқ. Ўтказилган текширувлар триметоприм/сульфаметаксазол ёки триметоприм/сульфаметаксазол + рифампицин ҳамкорлиги ўз самарасини кўрсатган [13]. WHO, FAO, OIE; 2006; Al-Tawfiq ва ҳаммуаллифлар ўз тадқиқотларида бисептол ва рифампицин ҳамкорлигини 45 кун давомиди қабул қилиш яхши самара беришини кўрсатишган [2, 3].

Vilchez G. ва бошқалар бруцеллёз билан оғриган 99 нафар ҳомиладор аёлни кузатишган [23]. Уларнинг барчасида ташхис бактериологик ёки серологик тасдиқланган. Беморларнинг 64,6% ҳомиладорлик вақтида, 35,4% туғруқ ёки абортдан кейин антибиотикотерапия

қабул қилишган. Ҳомиладор аёлларнинг 42,2% аминогликозид + рифампицин, 17,2% - рифампицин + котримаксазол қабул қилишган. 28% аёлларда акушерлик асорати бўлган. Ҳомиладор аёлларнинг 12,9% да бола тушиш хавфи, 16,8% да муддатидан олдин туғруқлар кузатилган. Кузатувларда бир ҳолат ўлим билан тугаган – 31 ҳафталик ҳомиладор аёл касаллигининг 3 ҳафтасида шифохонага тушган. Келган вақтда унга сийдик ажратиш тизими инфекцияси ва реактив гепатит ташҳиси қўйилган. Шифохонага ётқизилганининг иккинчи кунида ДВС синдром натижасида вафот этган. Бруцеллёз ташҳиси (Райт реакцияси 1:1600, гемокультура «+» мусбат) лаборатор тасдиқланган.

Бу ҳолатда ташҳиснинг ўз вақтида қўйилиши, ўз вақтида ўтказилган антибиотикотерапия ҳомила ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Ҳозирги пайтда ҳомиладорлар учун самарали ва нисбатан хавфсиз схемалар 2-жадвалда келтирилган. Аёлларнинг бруцеллёз профилактикасини билиши – касалланишнинг камайиши ва ҳомиладорлик вақтида асоратларнинг олдини олишга асос бўлади.

2 жадвал.

Бруцеллёз билан оғриган ҳомиладор аёлларда антибиотикотерапия

Антибиотиклар	Тавсия кучи
Котримаксазол + рифампицин 6 ҳаф.	В
Альтернатив вариант – Котримаксазол билан монотерапия 6 ҳаф.	В

Илова: Тавсия кучи В- нисбатан ишонarli

8 ёшдан кичик болаларда бруцеллёз касаллигини даволаш.

Бу ёшда бруцеллёз касаллигини даволашнинг оптимал усули аниқланмаган. Тетрациклин сут тишларида йиғилиши ва суяклар ўсишини сусайтириши сабабли болаларда қарши кўрсатмага эга.

Илмий адабиётларда кўрсатилишича, 8 ёшдан кичик болаларда бруцеллёз касаллигини даволашда рифампицин ва Ко-тримоксазолни 6 ҳафта давомида ичириш бугунги кунда энг самарали комбинация ҳисобланади [14, 19]. Бисептол 6 ҳафта + стрептомицин (кунига 30 мг/кг м/о 1 маҳал) 3 ҳафта ёки гентамицин кунига 5 мг/кг м/о 1 маҳал 7-10 кун ва Бисептол + Рифампицин (кунига 15 мг/кг) 6 ҳафта ёки Рифампицин+ аминогликозид яхши натижа берган [2].

Lubani M. ва ҳаммуаллифлар томонидан 1100 бруцеллёз билан оғриган болаларда қўлланилган даволашга рандомизацияланган усулда баҳо беришган [14]. Беморлар окситетрациклин, доксициклин, рифампицин ёки бисептол билан монотерапия усулида ёки стрептомицин, гентамицин инъекцияси билан ҳамкорликда даволанилган. 500 нафар болалар 3 ҳафта, 350 нафар болалар 5 ҳафта, 250 нафар болалар 8 ҳафта давомида даволанилган. Стрептомицин м/о 2 ҳафта, гентамицин м/о 5 кун қилинган. Монотерапия усулида окситетрациклин, доксициклин ва рифампицинни оғиз орқали қўлланилиши деярли бир хил натижа берган. Бунда, муолажанинг 3, 5 ёки 8 ҳафта муддатда олишидан қатъий назар, касаллигининг қайталаши 9% дан ошмаган. Монотерапияда фақат бисептолдан фойдаланилганда касаллик 30% дан зиёд ҳолларда рецидив берган. Рифампицин + окситетрациклин, рифампицин + бисептол ва окситетрациклин + бисептол ҳамкорлигида 3 ёки 5 ҳафта қўлланилганда рецидивлар сони кам кузатилиб, 4-8% ни ташкил этган. Даволаш давомийлиги 8 ҳафта бўлганда бирорта рецидив бўлмаган. Оғиз орқали ўтказилган монотерапия билан стрептомицин ёки гентамицин бирга қўлланилганда ҳам рецидивлар нисбатан кам кузатилган.

Andriopoulos P. ва б. (2007) 144 болада ўтказилган ўткир бруцеллёз касаллигининг даволашни таҳлил қилганлар [4]. Рифампицин + котримаксазол (дозаларболанинг ёшига кўра белгиланган) схемаси 6 ҳафта давомида қўлланилган. 6 ойдан кейин барча беморлар қайта текширувдан ўтказилган. Касаллик рецидиви фақат 3% беморда аниқланган, бунга ҳам уй шароитида даволашнинг бузилиши (бир беморда фотосенсибилизация пайдо бўлган, учтаси давони ўзларича тўхтатишган) натижасида келиб чиққан. Бу беморларга қайта даво курси

ўтказилган ва яна 6 ойдан сўнг текширилган. 3 нафар бемор соғайган, бир нафари кўриққа келмаган.

Raushan ва б. (2006) ва Ulug M. ва б (2011) котримаксозол + рифампицин комбинациясининг 6-8 ҳафталик даво курси самарадорлигини исботлашган [19, 22].

Alavi S.M. ва б. (2013) муолажа курсининг схемаларини тизимли таҳлилни ўтказишган ва 8 ёшдан кичик болаларда котримаксозол + рифампицин комбинацияси 6 ҳафталик даво схемаси кўпроқ самара беришини кўрсатишган. Альтернатив сифатида гентамицин 5 кун + котримаксозол 6 ҳафта схемаси кўрсатилган [1].

Болаларда бруцеллёз асорат берса, камида учта антибиотикдан фойдаланиш керак бўлади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, 8 ёшдан катта болаларда даво айнан катталарникидек ўтказилади, фақат 18 ёшдан катталарга белгиладиган хинолин ушловчи антибиотиклар буюрилмайди (жадвал 3).

3 жадвал.

Бруцеллёз билан оғриган 8 ёшдан кичик болаларда антибиотикотерапия

Ҳамкорлик	Антибиотиклар	Тавсия кучи
Асосий ҳамкорлик	Котримаксозол + рифампицин, 6 ҳафта	AI
Альтернатив ҳамкорлик	Гентамицин 5 кун + котримаксозол 6 ҳафта	AI

Илова: Тавсия кучи А – ишонarli; I кучли

Юқорида таҳлил қилинган замонвий даволашнинг самараси, албатта, беморда бруцеллёз диагнозини кечиктирмасдан ва тўғри аниқлашга боғлиқ.

Ушбу инфекциянинг асосий жиҳатларини инобатга олиб биз шифокорларга бруцеллёз диагностикасининг қуйидаги алгоритмини ҳавола қиламиз:



Симптоматик даво:

•Кортикостероидлар – нейробруцеллёз, бруцеллёзли менингит каби оғир ҳолатларда яллиғланишга қарши восита сифатида қўлланилади. Бироқ кортикостероидлар дозаси, қўллаш муддати тўғрисида аниқ бир фикр ва илмий исботланган кўрсатмалар йўқ.

•Яллиғланишга қарши ностероид воситалар, тана ҳароратини туширувчи ва оғрик қолдирувчи воситалар касаллик белгиларига кўра буюрилади.

•Йирингли ўчоқлар ва абсцесслар аниқланилганда ҳамда юрак клапанлари зарарланиши билан кечаётган бруцеллёз эндокардитида жарроҳлик аралашувига эҳтиёж сезилади.

•Беморларга алоҳида парҳез буюрилмайди. Лекин қайнатилмаган ёки пастеризациядан ўтказилмаган сут ва қайта ишланмаган сүтдан олинган маҳсулотларнинг зарарини ёдда тутиш лозим.

Беморларнинг вена орасига томчилаб турли хил суюқликлар юбориш бизда кенг тарқалган. Шифокор кўпинча, “дезинтоксикация, организмни қаршилиқ кўрасатиш функцияси ва иммунитетни кучайтириш” каби важлар билан парентерал суюқликларни беморларга бир неча ҳафталаб қуядилар. Шунини таъкидлаш керакки, бу беморларга ёқади. Бироқ бирорта далилларга асосланган клиник тадқиқотлар кўрасатилган сабабларга таъсир самарасини исботлаб бермаган. Биз жаҳон тиббий адабиётда илмий асос топа олмаганимиз учун ушбу таҳлилда парентерал суюқликларни қўллаш ҳақида сўз юритмадик.

Бруцеллёздан тўлиқ тузалиш омиллари:

- антибиотикларнинг оптимал стандарт комбинациясини қўллаш;
- даво курси давомийлигига амал қилиш (камида 6 ҳафта);
- беморларни даволаш шартларига тўлиқ риоя этиши;
- врачнинг антибиотикотерапия олаётган бемор билан билвосита алоқаси;
- дори воситаларининг ножўя таъсирларидан огоҳ бўлиш

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Alavi S.M, A. L. (2013). Systematic Review. Treatment of brucellosis: a systematic review of studies in recent twenty years . *Caspian J Intern Med*, 4(2): 636-641.
2. Al-Tawfiq. (2008). Therapeutic options for human brucellosis. *Expert Rev Anti Infect Ther*, 6: 109-120.
3. Al-Tawfiq JA, M. Z. (2013). Pregnancy Associated Brucellosis. *Recent Patents on Anti-Infective Drug Discovery*, 47-50.
4. Andriopoulis P, T. M. (2007). Acute brucellosis: presentation, diagnosis, and treatment of 144 cases. *Intern J of Infect Dis*, 11: 52-57.
5. Ariza J, B. M. (2007). Perspectives for the treatment of brucellosis in the 21st century: The Ioannina recommendations. *PLoS Medicine*, vol 4, Issue 12, e317.
6. Cho Ch, G. M. (2018). Spinal Brucellosis. *NEJM*, October 25, 379:e28 DOI: 10.1056/NEJMicm1803513.
7. Falagas M, B. A. (2006). Quinolones for Treatment of Human Brucellosis: Critical Review of the Evidence from Microbiological and Clinical Studies// Antimicrobial Agents and Chemotherapy . *Antimicrobial Agents and Chemotherapy*, Jan, 22-33.
8. Figueiredo P, F. T.-F. (2015). Pathogenesis and Immunobiology of Brucellosis Review of Brucellae/Host Interactions. *Am J Pathology*, vol.185, N6, June, p.1506-1517.
9. Garcia del Pozao, S. J. (2012). Systematic review and meta-analysis of randomized clinical trials in the treatment of human brucellosis. *PLoS One*, Vol 7. Issue 2, e320.
10. Glowacka P, Z. D. (2018). Brucella – Virulence Factors, Pathogenesis and Treatment. Minireview. *Polish J Microbiology*, vol 67. №2, 151-161.
11. Hashemi SH, G. L. (2012). Comparison of doxycycline-streptomycin, doxycycline-rifampin and ofloxacin-rifampin in the treatment of brucellosis: a randomized clinical trial. *Intern J Infect Dis*, 16; e247-e251.
12. Keramat F, R. M. (2009). A comparative trial of three therapeutic regimens: ciprofloxacin- rifampin, ciprofloxacin-doxycycline and doxycycline-rifampin in the treatment of brucellosis. *Trop Doct*, 39: 207-210.

13. Khan MY, M. M. (2001). Brucellosis in pregnant women. *Clin Infect Dis*, 1172-1177.
14. Lubani MM, D. K. (1989). A multicenter therapeutic study of 1100 children with brucellosis. *Pediatr Infect Dis J*, Feb; 8(2): 75-78.
15. Majzoobi MM, H. S. (2018). Effect of hydroxychloroquine on treatment and recurrence of acute brucellosis: a single-blind, randomized clinical trial. *International Journal of Antimicrobial Agents*, 51: 365-369.
16. Meng F, P. X. (2018). Rifampicin versus streptomycin for brucellosis treatment in humans: A meta-analysis of randomized controlled trials. *PLoS ONE*, February 20.
17. Papas G, A. N. (2005). Brucellosis. *NEJM*, 352: 2325-2336.
18. Pappas G, P. P. (2006). The new global map of human brucellosis. *Lancet Infect Dis*, 6: 91-99.
19. Raushan MR, M. M. (2006). Efficacy of cotrimoxazole and rifampin for 6 or 8 weeks of therapy in childhood brucellosis. *Pediatr Infect Dis*, 6: 544-545.
20. Reguera JM, A. A. (2003). Brucella endocarditis: clinical, diagnostic, and therapeutic approach. *Eur J Clin Microbiol Infect Dis*, 22: 647-650.
21. Skalsky K, Y. D. (2008). Treatment of human brucellosis: systematic review and meta-analysis of randomised controlled trials. *BMJ*, 336: 701-704.
22. Ulug M, Y. Y. (2011). Clinical and laboratory features, complications and treatment outcome of brucellosis in childhood and review of the literature. *Turkish J Pediatrics*, 53: 413-424.
23. Vilchez G, E. M. (2015). Brucellosis in pregnancy: clinical aspects and obstetric outcomes. *Int J Infect Dis*, 38, 95-100.
24. Vrioni G, B. A. (2014). Administration of triple versus a standard double antimicrobials regimen for human brucellosis more efficiently eliminates bacterial DNA load. *Antimicrobial Agents and Chemotherapy*, vol 58; N 12; 7541-7544.
25. WHO: www.who.int/csr/resources/publications/Brucellosis.pdf. (n.d.).
26. Yousefi-Nooraie R, M.-H. M. (2012). Antibiotics for treating human brucellosis. *Cochrane Database of Systematic Reviews*, Issue 10, art No: CD007179.

БИР АЪЗОНИНГ МИНГ ДАРДИ

С.А. Аллазов

Самарқанд Давлат тиббиёт институти

Таянч сўзлар: закар, ёт жисм, приапизм, пейрони, олеогранулёма, кичик.

Ключевые слова: половой член, инородные тела, приапизм, Пейрони, олеогранулёма, зуд.

Key words: penis, foreign bodies, priapism, Peyroni, oleogranuloma, pruritus.

Мақолада закарнинг кам учрайдиган, лекин турли хил кечадиган айрим касалликлари (уретра ва қовук ёт жисмлари, приапизм, пейрони касаллиги, Закар олеогранулёмаси ва қичиғи) ҳақида илмий адабиёт маълумотлари ва муаллифнинг ўзини клиник кузатувчилари келтирган. Бу касалликларнинг кечиши, ташҳиси ва даволаниш йўл-йўриқлари амалий шифокорларга ва урологларга тавсиялар сифатида белгиланган.

ТЫСЯЧИ НЕДУГОВ ОДНОГО ОРГАНА

С.А. Аллазов

Самаркандский Государственный медицинский институт

В статье приводятся литературные сведения и собственные наблюдения некоторых редких, но разнообразно протекающих заболеваний (инородные тела уретры и мочевого пузыря, приапизм, болезнь Пейрони, олеогранулёма и зуд полового члена). Течение, диагностика и методы лечения этих заболеваний определяются как рекомендации практическим врачам и урологам.

THOUSANDS OF DISEASES OF ONE ORGAN

S.A. Allazov

Samarkand state medical institute

The article provides literary information and own observations of some rare, but diversely occurring diseases (foreign bodies of the urethra and bladder, priapism, Peyronie's disease, oleogranuloma, and itching of the penis). The course, diagnosis and treatment of these diseases are defined as recommendations to practitioners and urologists.

Тарихчи олимлар қирол Philip II нинг жарроҳ табиби Francisco Diaz ни урологиянинг мустақил фан сифатидаги асосчиси деб ҳисоблашади. Тиббиёт доктори, Alcalá de Henares университети фалсафа магистри F. Díaz нинг Мадридда 1588 йилда чоп этилган 3 жилдди монографиясида урологик касалликларнинг барча масалалари кўриб чиқилган [6].

Урологик беморлар оғир тоифадаги беморлардан саналади: кексалик ёши, сийдик тўхтовсиз ажралиб турадиган дренаж найчалари ўрнатилганлиги, уларда эндоскопик ва рентгенологик текширишлар ўтказиш зарурлиги умумий амалиёт врачлари ва урологлардан махсус билимлар ва амалий кўникмаларни талаб қилади. Бундай билим ва малакаларга фақат урология бўлимларининг тиббий ходимларигина эмас, балки бошқа кўпчилик бўлимларнинг, айниқса хирургик, гинекологик, терапевтик бўлимлар ва поликлиника кабинетларида ишлайдиган врач ва ҳамширалар ҳам эга бўлишлари керак. Чунки улар ўз фаолиятида асосий дардидан ташқари урологик хасталиклари ҳам бўлган беморлар билан мулоқотда бўлишларига тўғри келиши мумкин [1,2,3].

Бундан ташқари, урологик текшириш усуллари хилма-хиллигидан ташқари, тадқиқотчидан, маълум маънода "санъат" талаб қилади, тиббий ёрдам кўрсатишга эса бошқа ҳамма касбдаги врачлар, умумий амалиёт врачлари айниқса, ҳар қандай шароитда ҳам тайёр бўлиб туриши зарурдир.

Уретра ва қовук ёт жисмлари. Буйрак ва сийдик найларида жуда кам учрайдиган ўк гильза ва совук қуроллар синикларини ҳисобга олинмаса, сийдик йўлларида ёт жисмлар асосан уретра ва қовукда учрайди. Ёт жисмлар қовукқа сийдик чиқариш канали, қовук жароҳатларида унинг девори, эпицистостомия тешиги ёки сийдик найи орқали ўтиши мумкин.

Ёт жисмлар сифатида уретра ва қовукда соч қистирғичлари, санчок (английская булавка – русча), авторучка, қалам, мундштук, термометр, шиша шпателлар, шиша синиклари,

суяк бўлаклари, дока тампонлари, тиббий металл ўтказгичларнинг синиқлари, ҳар хил катетерлар ва дренаж найлар, симлар ва ҳ.к. топиш мумкин.


Қовуқда кам учрайдиган ёт жисмлардан бодринг, чўчка жинсий олати ва илонни цистоскопия пайтида топгани ҳақида SterntalZ. (1952) хабар берган. Кўп ҳолларда ёт жисмлар аёллар ўзларининг жинсий йўлларида мастурбация ёки ҳомиладорликни узиш мақсадида ишлатаётганда уретра ва қовуққа тойиб кириб кетади. Баъзан эса улар бу ишга суицид мақсадда кўл урадилар.

Адабиётдан шизофрения билан хаста бир аёл қовуғига 6 марта ҳар хил ёт жисмларни киритгани ва шу туфайли 2 марта операция қилингани маълум. Бундай беморларнинг суицид ҳулки руҳий касаллик, асаб – руҳий ўзгаришлар билан белгиланади. Баъзан эса руҳий жиҳатдан соғлом бўлган тақдирда ҳам номаълум сабабларга кўра шундай ишга йўл қўйишади.


Эркакларда уретра ва қовуқнинг ёт жисмлари, айниқса руҳий жиҳатдан соғлом бўла туриб, кўп марта такрорланиши, жуда кам учрайди. Бу борада биз кузатган бемор катта қизиқиш уйғотади.

Бемор Х., 43 яшар, биринчи марта 17.07.2001 йилда (кас. тар. № 9842/768) қовуқ ва сийдик чиқариш канали соҳасидаги оғриққа, сийдик тутилганлигига шикоят қилиб мурожат қилди. Бемор ўзи, сийдик чиқариш каналига игна ва санчоқ киритгани ва улар сирпаниб чуқурроқ кириб кетгани ва қайтариб чиқариб олиб ташлай олмай қолганини тан олди. Бемор руҳий касалликлар бўйича ҳисобда турмайди. Психиатр кўриги: амалда соғлом. Бемор текиширилди: обзор урограммасида қовуқнинг бўйинчаси ва уретранинг ички тешиги соҳасида 4 та игна ва 1 та санчоқ кўринади (14, а -расм) Таиҳис: қовуқ ва уретра ёт жисмлари. Перидурал оғриқсизлантириш остида операция қилиниб, қовуқ бўйлигидан 3 та игна ва уретранинг ички тешигидан санчоқ олиб ташланди. 4-игна масаласида у қовуқ бўйлигидан жойлашмаганлиги туфайли қийинчилик туғилди. Унинг фақат думчаси Лъето учбурчаги соҳасида қийинчилик билан пайпасланиб турганди. Уни қовуқ орқали олиб ташлашнинг иложи бўлмади. Тўғри ичак орқали бармоқ билан унинг ўткир учи аниқ сезилди ва қисқич билан осонликча олиб ташланди. Операциядан кейинги давр асоратсиз ўтди. 24.07.2001 йилда амбулаторияга қониқарли ҳолатда жавоб берилди.

Бемор 07.12.2002 йилда олдингидек шикоятлар билан қайта мурожат қилди. Унинг сўзига қараганда бу сафар сийдик чиқариш каналига игналарни ва михни киритган. Обзор урограммада қовуқ проекциясида 1 та игна сояси, қолган игна ва михларники – уретранинг орқа қисмида кўринади (14, б -расм). Уретранинг орқа қисмида жойлашган мих қисқич ёрдамида уретранинг таиқи тешиги орқали олиб ташланди. Шу соҳадаги игнани олиб ташлашнинг иложи бўлмади. Бемор операцияга рози бўлмай кетиб қолди.



Расм 1. Қовуқ ва уретра ёт жисмлари (игна-а, мих-б-в ва санчоқнинг ўзи ҳамда тош билан-г): рентгенограммалар ва олиб ташланган ёт жисмлар.




Расм 1. Қовуқ ва уретра ёт жисмлари (игна-а, мих-б-в ва санчоқнинг ўзи ҳамда тош билан-г): рентгенограммалар ва олиб ташланган ёт жисмлар.

Уч кундан кейин бемор кучли дизурия ва макрогематурия билан қайта мурожат қилди (кас. тар. №17/187). Обзор урография қилинганда, ажабланарли ҳол маълум бўлдики, ўтган уч кун давомида бемор сийдик чиқариш каналига худди олдин олиб ташланган ҳажмдаги (10 см) бошқа бир михни киритишга улгурибди (14, в -расм). Беморга эпицистостомия қилинди: қовуқ бўшлиғи орқали ундан 5 см узунликдаги 1 та игна, уретранинг ички тешигидан шу узунликдаги 3 та игна ва 10 см узунликдаги 1 та мих олиб ташланди. Операциядан кейинги давр одатдагидек ўтди. 19.12.2002 йилда яшаш жойида амбулаторияда даволаниш учун қониқарли ҳолатда жавоб берилди.

15.04.2003 йилда бемор тўртинчи марта сийдик тутилишига шикоят қилиб мурожат қилди (кас. тар. № 7523/5619/293). Обзор урограммада битта игна (резидуал бўлса керак – унинг сояси олдинги рентгенограммаларда ҳам кўринади) ва ўхшовсиз, тушуниб бўлмайдиган нарсанинг соялари кўринади (14 г-расм). 16.04.2003 йилда операция – эпицистостомия. Битта учига туз ўтириб 2х3 см катталикдаги тош пайдо бўлишга улгурган санчоқ олиб ташланди. Рентген қозғида кўринган игнани қовуқ бўшлиғида ва уретрада топиб бўлмади. Операциядан кейинги давр қониқарли ўтди. Дренаж найлар олиниб, беморда сийиш табиий йўллар орқали тиклангач, 23.04.2003 йилда уйига жавоб берилди.

Бу кузатувнинг қизиқ томони шундаки, бемор ноаниқ мотивация (сабаблар) билан сийдик чиқариш каналига игналар, санчоқ ва михларни киритади. Унинг ўзи тушунтиришича, игна ва михларнинг битталарини бошқаларининг ёрдами билан қовуққача итариб киритган. Игналар учи билан уретра деворига ботиб қолмаслиги учун кўпчилигини бирдан ва дум томони билан силжитиб борган. Устига-устак ўзи оператив даволаш учун врачга мурожат қилиб келган. Беморнинг бу «қилиғи»ни ёт жисмларни ўзининг уруғ дўмбоқчасига тегизиб жинсий эҳтирос уйғотишга бўлган интилиши билан тушунтириш мумкин.

ПРИАПИЗМ. Приапизм – закарнинг одатдагидан узоқ давом этадиган турғун эрекциясидир (мифология бўйича ҳосилдорлик худоси Приап номидан олинган). Бунда эрекция эякуляциядан кейин шахвоний иштиёқ ўтиб кетган бўлса ҳам соатлаб, кунлаб, ҳафталаб давом этаверади (расм 2.). Приапизмнинг асосий механизми артериал қоннинг каверноз таналарга вена қонидан кўпроқ оқиб келиши, ёки аксинча, артериал қон томирлардан оқиб келган қоннинг вена қон томирлари орқали етарли даражада чиқиб кетолмаслигидан иборатдир. Охирги пайтларда папаверинотерапия (папаверин дорисини каверноз таналарга юбориб, эрекция чақириш) усули эректил дисфункцияни даволашда кўп қўлланилиши туфайли ятроген приапизм кўп учрайдиган бўлди. Н.А.Лопаткин (1978) приапизм сабабларини 3 гуруҳга бўлади: 1. Бош ва орқамия касалликлари туфайли; 2. Маҳаллий омиллар



Расм 2. Приапизм.

таъсирида ва 3. Умумий интоксикациялар натижасида.

Белгилари ва ташҳиси. Приапизм одатдаги эрекциядан жинсий олатнинг қорин томонга кўтарилиб, тарангланиб ёйсимон эгилиши, лекин шу билан бирга олат бошчасининг юмшоқлигича қолиши билан фарқ қилади (2-расм). Закар териси қизғиш-кўкиш рангга киради, бемор кучли оғриқ сеза бошлайди. Кавернозографияда контраст модданинг каверноз танада тарқалиши ва димланиши кузатилади.

Давоси. Бирин-кетин қуйидаги чора-тадбирлардан иборат:

1. Асаб тизимини тинчитадиган дорилар (бромидлар, валериана, галидор);
2. Антикоагулянтлар (дикумарин, палентан – 0,2 х 3 марта биринчи кун, 0,2 х 2 марта иккинчи кун, кейин - аспирин 7 кун давомида 0,2 х 1 марта);
3. Простата беги массажи;
4. Каверноз таналар пункцияси ва қуюқлашган қон чиқариб юборилиб, қуйидаги таркибли суюқлик билан 2-3 кун давомида ювиш: 0,5% -500 мл новокаин эритмаси + терриметин 200 мг + димедрол 1% - 2,0 мл + пенициллин 500 000 бирлик + гепарин 500 бирлик;
5. Дюффо игналари билан каверноз таналарни перфузия қилиш: 1500 мл физиологик эритмага 10000 бирлик гепарин аралаштириб закар асосида (ўзагида) юборилади ва бошчаси яқинидаги бошқа игнадан чиқарилиб юборилади;
6. Жарроҳлик усуллари: вена қон томирлари билан каверноз тана орасида (сафено - каверноз) ёки спонгиоз ва каверноз таналар орасида (спонгио-каверноз) анастомозлар яратилади. Бу оператив даволашлар касаллиқнинг биринчи соатлари давомида (каверноз таналарда қон қуюқланишга улгургунча) яхши натижа беради.

Приапизмдан кейин турғун импотенция юзага келади.

ПЕЙРОНИ КАСАЛЛИГИ. 1743 йили Француз қироли Людовик XIV шаънига "Эякуляция пайтида уруғ ажралишига баъзи табиий тўсиқлар" мавзуида китоб ёзган Франсуа де Ля Пейрони (De la Peyrone F., 1743) (расм 3) номи билан аталадиган: бу касаллик илмий тилда закарнинг фибропластик индурацияси (Induratiopenisplastica) дейилади [9]. Бу қузатувчан ва фаросатли олимнинг шухратини унинг қирол лейб-мединлиги эмас, балки закарнинг фибропластик индурация касаллигининг манзари ва моҳиятини ёзиб қолдиргани таъминлади. У алоҳида касаллик сифатида 1874 йили АҚШ да ван Буран ва Кейс томонидан тасвирлангани учун у ерда ван Буран касаллиги деб ҳам юритилади.

Бу касаллик аслида оксилли қобик билан каверноз таналар орасида юзага келган идиопатик қаттиқ фиброз қўшувчи тўқимадан иборат тугунларнинг пайдо бўлишидан иборат. Бу тугунлар каверноз таналарнинг ичида ҳам шаклланиши мумкин.

Белгилари ва ташҳиси. Кўпинча беморнинг ўзи закарнинг ичида бирон-бир ярмида қаттиқ думалок тузилма пайпаслаб қолади, эрекция пайтида закар ўша томонга эгилишига эътибор беради. Тузилманинг ҳажми борган сари каттара бориб, оғриқ ҳам сезилиши (айниқса эрекция пайтида) мумкин. Албатта уни ўсмалардан тафовут қилиш зарур бўлади, бунда УТТ, биопсия қилиш мумкин. Лекин касаллиқнинг кўп муддат давомида асоратсиз кечишини ҳисобга олиб ва объектив пайпаслаганда клиник нуқтаи назардан фарқ қилишга кўпинча эришилади.

Дарҳақиқат, бу ўринда Россия тарихида ҳар хил карама-қарши донг таратган Григорий Ефимович Распутин (1869-1916) ҳақида ва унинг жинсий жиҳатдан тенгсизлигининг сабаби ҳам айнан ундаги Пейрони касаллиги билан боғлиқлигини эслаб утиш керак [4,8]. Ундаги Пейрони касаллигининг тотал шакли жинсий олатнинг доимий эрекция ҳолатида бўлганли-



Расм 3. Francois Gigot de la Peyroni (1678-1747)

ги билан боғлиқдир (Пуршкевич В., 1990; Балязин В., 1999).

Давоси. Бу жуда қийин масала. Консерватив даволаш Е ва В витаминлар гуруҳи билан ўтказилади. Калий йодли эритмалари билан диатермик ионофорез қилиш мумкин. Маҳаллий даволаш стероид гормонлар, жумладан дексаметазон билан ўтказилади. Бу гормон 6 ой давомида ойига бир марта Пейрони тугунига 4 мг(мл) юборилади. Маҳаллий даволашлардан ультратовуш ва радиотерапия баъзан натижа беради.

Фибропластик тугунларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш мумкин, лекин уларнинг ўрнида тезда чандиклар ва янги тугунлар шаклланади. Шунинг учун кўпинча Несбит операцияси кенг қўлланилади: карама-қарши томонда оксилли қобикдан эллипс шаклида кесиб олинади ва дефект тикиб қўйилади. Яхшироғи оксил қобикни кесмасдан дубликатура ҳолига келтириб тикиб қўйиш ҳам мумкин. Бу операциядан асосий мақсад карама-қарши томонда ҳам худди шундай Пейрони тугунини сунъий йўл билан юзага келтиришдан иборатдир. Ана шунда эрекция пайтида закар бирон томонга эгилмайди.

ЗАКАР ОЛЕОГРАНУЛЁМАСИ. Олеогранулёма (син. – липогранулема, олеома, липофагал гранулёма, инъекция липогранулёмаси) ёғсимон моддаларнинг парентерал юбориш туфайли тери ости ёғ тўқимасида юзага келган сурункали яллиғланиш ўчоғидир. Дори моддаларни юборганда пайдо бўладиган олеогранулёма баъзан тиббиётда "шприц касаллиги" деб ҳам юритилади.

Закар терисининг остига ҳар хил ёғсимон моддалар (суяқ парафин, вазелин, глицерин ва бошқ.) кўпинча криминал шароитда (муҳитда) ёки ёшлар орасида унинг ҳажмини ошириш мақсадида қилинади. Охирги пайтларда бу касаллик кўпайиб кетганлигини ва йиринглаб шошилишч ёрдаб талаб қилишини эътиборга олиб, уни қўлланмада келтиришни лозим топдик.

Г.А. Подлужный ва муаллифдошлари (1991) таклиф қилган классификацияга биноан ташқи жинсий аъзолар олеогранулёмасининг қуйидаги шакллари ва асоратлари фарқ қилинади:

Жойлашишига қараб: чакка кертмак соҳасида, олат танасида, закар-ёрғоқда, закар-ёрғоқ-қовда;

Этиологиясига қараб: вазелин ёғи, борат вазелин, вазелин + димедрол + левомецин, парафин;


Тарқалиш майдонига қараб: локал, тарқоқ, тарқоқ + левомецин, тотал;

Асоратлари: фимоз, парафимоз, элевантиаз, яраланиши, инфекция тушиши, закар чандик бўлиб буқилиши, қовушиш фаолиятининг бузилиши, касаллик қайталаниши.

Белгилари ва ташҳиси. Касаллик белгилари ёғсимон модданинг хилига, закарнинг қайси қисмига, қанча миқдорда юборилганига боғлиқ. Вазелин юборилганда касаллик кечилиши кўпга чўзилиб, закар деформацияси, яралари ва ҳ.к. 1-2 йил давомида юзага келса, борат вазелин юборилганда бу жараён жуда тез, гуркираб тараққий этади, 10-12 ойда аллақачон олеогранулёматоз тугунлар шаклланиб, улар чакка кертмакдан закарнинг танасига ва ҳатто қов соҳаси ва ёрғоққа ҳам ўсиб ўта бошлайди. Жинсий олат чакка кертмак ва бўйинчаси қисмида тўқмоқдек кенгайиб, олеогранулёма тугунлари соҳаси оқиш-сарғиш ранг олиб, пайпаслаганда қотган бўлади ва оғриқ сезилади (4 а, б – расмлар). Кейинчалик тугунлар маркази юмшаб, оқмалар юзага келади ва ундан сарғиш, геморрагик мойсимон суяқлик аралашиб ажрала бошлайди ва бундай ҳолат албатта эректил ва копулятив фаолиятнинг бузулишига, суннат бўлмаганларда эса фимоз ёки сурункали парафимоз ҳолатига олиб келади.

Олеогранулёматоз тугунлар йиринглаган ва айниқса улар закарнинг асосига яқин жойлашган бўлса, регионар чов лимфа тугунларининг ҳам каттаришига олиб келиши мумкин.

Касаллик ташҳисида уни баланопостит, рожа, трофик яра ва айниқса закар ўсмаси билан фарқлашга эътибор бериш керак. Олеогранулёма учун касаллик тарихининг аҳамияти катта бўлса-да, баъзан олеогранулёманинг ўзи хавфли ўсмага айланиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак.



Расм 4. Закар олеогранулёмаси (олат танасида) (а, б);
К.П.Сапожков операцияси босқичлари (в, г, д, е).

Давоси: Консерватив даволаш (антибактериал ва физиотерапия, ферментлар, сўрдирувчи дори-дармонлар қўллаш) одатда натижа бермайди. Аксинча олеогранулёма тугунлари янада ўсиб, ёки уларнинг атрофида инфильтрат кучайиб, вақт ўтиши билан закар ва ёрғоқнинг янги соҳаларини эгаллай бошлайди. Шунинг учун иложи борица эртароқ жарроҳлик амалиётини қўллаб, бирламчи олеогранулёма ва инфильтрат тугунлари кесиб олиб ташланиши зарур. Бу амалиётнинг ҳажми олеогранулёма тугунларининг закардаги жойлашишига ва майдонига боғлиқ бўлади.

Олеогранулёманинг препуциал шаклида ўзгарган чакка кертмак барча тугунлари билан олиб ташланади. Касаллик закарнинг танасида жойлашган ҳолларда Рейх ёки К.П.Сапожков (1950) усули қўлланилади (4, в, г, д, е – расмлар).

Закар танасининг ўзгарган терисини ёрғоқ териси билан алмаштиришдан иборат бу жарроҳлик усули бўйича жинсий олат танаси теридан олеогранулёма тугунлари билан бирга озод қилиниб олиб ташланади ва у ёрғоқ териси остида ясалган туннельга киргизилиб, закарнинг бошчаси ёрғоқ тубидаги дарча орқали ташқарига чиқариб қўйилади (4, в – расм). 2-3 ой ўтиб, ёрғоқ териси жинсий олатга битишиб кетгач (4, г – расм), операциянинг иккинчи босқичи бажарилади, яъни ёрғоқ териси унинг тагидаги жинсий олатнинг икки ёнбошидан узунасига кесилиб, закар ўзига ёпишган ёрғоқ териси тасмаси билан ажратиб олинади ва тери чаккалари закарнинг дорсал қисмида бир-бирига тикиб қўйилади. Ёрғоқдаги тери дефекти яра чаккалари бир-бирига тикилиб бартараф этилади (4, д – расм). Шу тариқа закар ёрғоқ териси билан қопланиб қолади (4, е – расм).

